



O'zbekiston Respublikasi  
Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi



Toshkent davlat  
iqtisodiyot universiteti



O'zbekiston Respublikasi  
turizm va sport  
vazirligi



# “MICE TURIZMNING RIVOJLANISH TENDENSIYASI VA XALQARO TAJRIBANI O'ZBEKISTONDA QO'LLASH”

# MICE

Conference Uzbekistan  
TSUE November 18, 2021

"MICE TOURISM DEVELOPMENT  
TRENDS AND USE OF FOREIGN  
EXPERIENCE IN UZBEKISTAN"

«ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ MICE  
ТУРИЗМА И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ  
ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В УЗБЕКИСТАНЕ»

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI  
MATERIALLARI TO'PLAMI**

УЎК: 338.48 (075)

КБК: 65.433(011)

**“MICE туризмнинг ривожланиш тенденцияси ва халқаро тажрибани ўзбекистонда қўллаш”.** Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари тўплами – Т.: «IQTISODIYOT», 2021. – 326 б.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 мартдаги 122-сонли буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистонда туризм соҳаси, хусусан MICE туризмнинг ривожланиши ва бунда хорижий тажрибани кенг жалб этишга бағишланган бўлиб, унда MICE туризми бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва бу борадаги замонавий хорижий тажрибани кенг муҳокама қилиш, мамлакатда туризм соҳасининг долзарб масалалари борасидаги илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш ва илмий қарашлари акс эттирилган материалларнинг баёни келтирилган.

Тўпламга хорижий ва маҳаллий олимлар, соҳанинг етук матахассислари ва олий ўқув юртларида туризм соҳасидаги муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган докторантлар, тадқиқотчилар, вазирлик, қўмита ва турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари, магистрларнинг илмий изланишлари натижалари киритилган.

Тўпламда келтирилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва келтирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, танқидий фикр мулоҳазалар ва таклифларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

**Маъсул муҳаррир: т.ф.д., проф. К.А.Шарипов**

**Таҳрир ҳайъати:** и.ф.д., проф. М.П.Эшов, и.ф.д., проф. Г.Қ.Абдурахманова, и.ф.д., проф. Д. Рахмонов, и.ф.д., проф. М.Юлдашев, и.ф.д., проф. А.Абдувоҳидов, и.ф.д., проф. М.Алиева, и.ф.д., проф. А.Норчаев, и.ф.н., доц. Х. Қурбонов, С. Мирзалиев, и.ф.н., доц. Н. Зуфарова, и.ф.н., доц. М.Амонбоев, и.ф.н., доц. С.Сафаева, и.ф.н., доц., Х.Очилова, и.ф.н., доц. Д.Абидова, и.ф.н., доц. Ш.Сайфутдинов, и.ф.н., доц. С.Халилов, и.ф.н., доц. Г.Садуллаева

**Тақризчилар:**

и.ф.д., проф. Ш.Эргашиходжаева

и.ф.д., проф. У.Ғофуров

**ISBN 978-9943-6856-0-4**

© “IQTISODIYOT”, 2021.

### *List of used literature*

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 9, 2003 № UP-3358 "On perfection of a system of republican state governing bodies" reorganized a National Company "Uzbektourism".
2. Summit of the first President I. A. Karimov — Uzbekistan, un pledge to bolster cooperation for peace and sustainable development 13.06.2015, Cooperation of Uzbekistan in the framework of the United Nations Organisation.
3. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan - on additional measures for the accelerated development of tourism in the republic of Uzbekistan., [www. lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Presentation President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev - acquainted with the presentation of projects to expand tourism potential, on 14 august, [www.uzdaily.uz](http://www.uzdaily.uz).
5. Projects to expand the tourism potential presented of the President of the Republic of Uzbekistan.
6. [www.invest-in-uzbekistan.org](http://www.invest-in-uzbekistan.org).
7. Created by author.
8. [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz).
9. The President of Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev said architectural appearance of Tashkent City. [www.kun.uz](http://www.kun.uz).
10. Created by author.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

***Бакаева Мохира Ахроровна,  
Бухоро давлат университети  
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси***

Жаҳон хўжалиги таркибида жадал суръатларда ривожланиб бораётган соҳалардан бири туризм ҳисобланади. Туризм кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизи, жаҳон истеъмол сарфининг 11 фоизи тўғри келади. Жаҳон туристик ташкилоти томонидан экологик туризмнинг ривожланиш тенденциялари аниқланиб, унинг башоратига кўра 2020 йилга қадар экологик туризм жаҳондаги бешта асосий стратегик йўналишлар қаторидан жой олади. Жаҳонда туризм хизматлари кўрсатишдан тушадиган бир йиллик даромад 1,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади ва бу кўрсаткич тобора ортиб бормокда.

Жаҳон бизнеси табиатга тахмин қилинганидан кўра кўпроқ боғлиқ ва экологик вазиятнинг ёмонлашиши катта хатар солади. Бу ҳақда Жаҳон Иқтисодий Форуми ва “PwC UK” экспертларининг қайд этишича, табиат ва унинг ресурсларига юқори даражада боғлиқ бўлган учта соҳа: қурилиш (ЯИМдаги улуши 4 трлн доллар), қишлоқ хўжалиги (2,5 трлн доллар) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқаришдир (1,4 трлн доллар).

Бу соҳаларнинг ЯИМдаги умумий улуши Германия иқтисодиётидан икки баравар кўп, дейилади ҳисоботда. Ушбу соҳалар табиат ресурсларига, хусусан, ўрмон ва океанлар ресурсларига ёки экотизимдан фойдаланиш, масалан, унумли тупроқ, тоза сув, барқарор иқлим кабиларга бевосита боғлиқ. Табиат имкониятларининг ёмонлашиши юқоридаги соҳаларга жиддий зарар етказиши мумкин. Жаҳон Иқтисодий Форуми ва “PwC” экспертлари, шунингдек, кўплаб соҳаларнинг табиат ва унинг ресурсларига “яширин боғлиқлиги”ни маълум қилди. Булар кимё саноати, авиация ва туризм, кўчмас мулк, кон саноати, транспорт, чакана савдо кабилар.

Бундай шароитда Ўзбекистонда туризмнинг барча турларини, хусусан, экологик туризмни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиши ва жаҳон миқёсида обрўсининг ортишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январда қабул қилинган ПФ-5611-сон [Фармони](#)га асосан мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, жаҳон бозорида миллий туристик маҳсулотларни фаол ва кенг тарғиб қилиш тадбирлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилган таклифларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Республикаимизни 2017–2021 йиллар учун ривожланишнинг беш устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ 2019–2025 йилларда “Туризмни ривожлантириш концепцияси” ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда туристик хизматлар бозорида янги йўналишлар изчил ўзлаштирилмоқда, хусусан, диққатга сазовор табиий ва маданий жойларга саёҳатни кўзда тутувчи экологик туризм жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда тўрт мингдан ортиқ маданий, меъморий ва тарихий ёдгорликлар, бетакрор табиий ландшафтлар ва сўлим гўшалар мавжуд бўлиб, мамлакатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам ниҳоятда бой. Статистик маълумотларга кўра, юртимизга келаётган туристларнинг 41 фоизи Ўзбекистоннинг айнан шундай бойликлари билан танишиш мақсадида ташриф буюради.

Юртимизнинг экологик туризмни ривожлантириш омили ҳисобланувчи бетакрор гўзал табиати, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, нодир, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган археологик топилмалари, полеонтологик қолдиқлари, ер юзида кам учрайдиган геологик кесимлар, юзлаб табиий ёдгорликлар ҳам хорижликларнинг эътиборини ўзига тортиши табиий. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов “Today” газетасига берган интервьюсида мамлакатимизнинг экотуристтик салоҳияти ва имкониятларига баҳо бериб шундай деган эди: “Гўзал географик ва табиий шарт-шароитларга эга бўлган Республикаимиз ҳудудлари экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир”.

Экологик туризмни ривожлантиришнинг илмий асосларини ўрганиш бўйича айтиш мумкинки, экотуризм — шахсларнинг дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) ишларни

амалга ошириш каби мақсадларда ҳамда экологик вазифаларни бажариш учун доимий яшаш жойларидан чиқиб, атроф табиатга қиладиган саёҳатларидир. Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланиш ҳисобланади.

“Экологик туризм” тушунчасининг мазмунини ёритиш мақсадида Россиялик олим В. Квартальнов ўзаро бир-бири билан боғланган “экотизим”, “экология”, “экологик саёҳат этикаси” каби тушунчалар тизимини таклиф қилган. Айниқса, “экологик саёҳат этикаси” тушунчаси юқори аҳамиятга молик. У жонли табиатга, борилаётган ландшафтларга, у ерда яшовчи кишиларга нисбатан ҳурмат кодекси, деб шарҳланади.

Австралиянинг Миллий экотуризм Стратегиясига экотуризм табиатга йўналтирилган туризм бўлиб, у экологик барқарорлик қоидаларидан келиб чиққан тарзда ўз ичига таълим ва тарбияни ҳам қамраб олади.

Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи экотуризмни — атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, унга сайр қилганда “юмшоқ” таъсир кўрсатиш йўли билан маданий, табиий меросларни ўрганиш ва завқланиш, нисбатан бузилмаган табиий ҳудудларга экологик масъулиятли саёҳат, деб тушунтиради. Унга яқин тушунчани АҚШ Экотуризм жамияти беради (Косолапов, Мизь, 2002).

Юқорида келтирилган тушунчаларда экотуризм билан табиатга қилинадиган туризм тури ва вазифалари аралаштириб юборилган: экосаёҳатчиларнинг асосий мақсадлари доимо ҳам табиатни муҳофаза қилиш бўлавермайди, уларнинг атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва ундан тушган фойданинг аксарият қисмини ўша экотуристик муҳитни муҳофаза қилишга йўналтириши лозимлиги акс этмаганлиги каби экотуристик шартлар ифодаланмай ёки тўлиғича таърифланмай қолинган.

Жаҳон туристик ташкилоти экотуризм объекти сифатида муайян давлатларда инсонларни туризм нуқтайи назаридан қизиқтира оладиган табиат эканлигини уқтиради. Лекин унда инсонларни аниқ бир билиш ёки амалий фаолиятида қўллаш мумкин бўлган объектив реаллик аниқ қилиб кўрсатилмаган. Уларда экотуристик объектга нисбатан аниқ бир тушунча ёки таснифий белги кўрсатилмаган. Антропоген ўзгарган ёки инқирозли ҳолатдаги ҳудудлар (Орол ва Оролбўйи) уларнинг фикрича экотуризм объекти бўла олмайди.

Умуман олганда, экология маълум бир тизимда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришга қартилган фан соҳаси экан, экотуризм объектига табиий комплекслар, табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган, маданийлаштирилган ва бузилган геотизимларни киритиш мумкин.

Табиат инсоннинг саёҳатга чиқиши учун жойларда турли даражада қулайликлар яратган. Ҳар бир табиий комплексда инсон организмга мавжуд табиий омиллар мажмуали равишда турлича таъсир этади. Текислик билан тоғ минтақаларида таъсир этувчи табиий омилларнинг мажмуасини бир-бирига солиштириб бўлмайди.

Сув экотуризм учун геоэкологик муҳитни яратадиган омиллардан биридир. Тупроқ қатламини экотуризм нуқтайи назаридан таҳлил қилганда унинг хусусиятларига, санитар-гигиеник ҳолатига эътибор қаратилади. Ўсимликлар олами ҳам экотуризмда алоҳида ўрин тутди. Ўсимлик қоплами кислород билан таъминловчи, асосий соғломлаштирувчи ва рекреацион омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд бўлиб, улар:

- табиий ландшафтларнинг турли-туманлиги;
- рекреацион ресурсларга бойлиги;
- халқаро ва Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган камёб турдаги флора ва фауна дунёси;
- табиий ва тарихий ёдгорликларнинг кўплиги;
- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг мавжудлигидир.

Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳиятини баҳолаб айтиш мумкинки, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятлари табиат ёдгорликларига бой бўлган ҳудудлар бўлиб, улар экологик туризмни ривожлантириш учун асосий марказлар ҳисобланади. Булардан кўриниб турибдики, ҳудудларнинг туристик салоҳияти, айниқса, экотуризм ресурслари мазкур соҳани ривожлантириш учун улкан имкониятдир. Шунингдек, мамлакатимизнинг қуйи Амударё минтақасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам экотуризмни ривожлантириш учун бой табиий ресурслар мавжуд.

Юқорида келтирилган каби мавжуд экологик туризм салоҳиятидан самарали фойдаланилса, мамлакатимиз туризм бозорида экологик туризм хизматларининг улуши сезиларли равишда ошади, янги турмаршрутларнинг очилиши натижасида ташриф буюраётган хорижлик ва маҳаллий сайёҳларнинг ҳудудларга саёҳат уюштиришга бўлган қизиқишлари янада ортади.

## **ПЕРСПЕКТИВЫ И ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ МІСЕ-ТУРИЗМА В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ**

*Васильева Елена Рюриковна  
ст. преп.*

*Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова  
Ташкент, Узбекистан*

Технологический прорыв привел к глубоким изменениям в индустрии МІСЕ туризма. Сегодня встречи, конференции и выставки все чаще планируются, организуются и управляются с использованием цифровых инструментов. Цифровые инструменты становятся неотъемлемой частью стратегического управления событиями, учитывая их доказанную способность приносить существенные выгоды. Такие как значительная экономия средств и времени, более высокая степень удовлетворенности посетителей.